



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 20 сентябрь, чоршанба

№72 (11.257)

Эркин нархда сотилади

«ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА»

Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» китоби араб тилида чоп этилди.

Китоб мамлакатимиз тарихи ва ҳозирги кунги, ҳусусан, мустакиллик йилларида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва диний ҳаётида эришилган ютуқларни араб давлатлари афкор оmmasига таништиришга қаратилган.

Китобда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сиёҳатка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг долзарб мавзудаги боблари ўз аксини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлиси сессиялари ҳамда Тошкент Ислам университети, Имом ал-Бухорий, «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуалари очилиши ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналаридаги нутқлари китобдан ўрин олган.

Бундан ташқари «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китоби, Президентнинг Ўзбекистон мусулмонлари Рамазон ҳайити табриғи, Вазирилар Маҳкамасининг муборак Ҳаж сафарига борушларида кўмак бериш тўғрисидаги Қарори қиритилган.

«Жаҳон» АА.



ЖАҲОННИНГ ЯНГИ БИРИНЧИ РАКЕТКАЧИСИ ТОШКЕНТДА ТУҒИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоғи учун бу йил еттинчи марта ўтказилган халқаро теннис турнири 17 сентябрь кунини тантанали ёпилди

Хеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Юнусобод» спорт мажмуи қурилганидан буюн «Президент кубоғи» мусобақаларида бу галгидек гавжум бўлмаган эди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Биринчидан, халқаро турнирнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, у чинакам катта теннис байрами даражасига кўтарилмоқда. Чунинчи, ўтган йилги «Президент кубоғи-1999» мусобақаси АТФ-тур турнири томонидан ўтказилаётган турнирлар орасида энг яхшиси, деб тан олинди. Иккинчидан, бу йилги турнирда ҳар қачонгидан кўпроқ энг номдор теннис юлдузлари ташириб буюрган эдилар.

Айниқса, турнирнинг сўнгги якуловчи мусобақаси олдидан «Юнусобод» кортида одам сизмай кетди. Бу ҳам беҳиз эмасди, албатта. Финалда икки кучли теннисчи — россиялик Марат Сафин ва италиялик Давид Сангвинетти бош совин учун ўзаро куч синашадиган бўдилар. Эътироф этиш керакки, спорт мажмуини тўлдириб ўтирган теннис мухлисларининг кўпчилиги Марат Сафиннинг кортида қойилмақом ҳаракатларини ўз кўзлари билан кўриб, роҳатланиш учун атайлаб келган эдилар. Ҳақиқатан ҳам эндигина йигирма баҳорни қаршилаган бу истеъдодли катта ракетка устаси бу йилги бир қатор халқаро турнирларда ажойиб ютуқларга эришиб, жаҳонга танилди. Унинг яқиндагина ниҳоясига етган Америка очиқ чемпионатида (уни

Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

ҚОНУН ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛМОҚДА?!

Шу йил 19 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси Уткир Ҳошимов раислик қилган ушбу йиғилишда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Навоий вилоятида қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

Авалло Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан вилоятларда юқоридаги қонунларнинг ижроси мунтазам назорат ва таҳлил этиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Зеро, жойларга Олий Мажлис депутатлари ишчи гуруҳининг чиқишлари, бевосита ҳар бир вилоятда, туман ва шаҳарларда оммавий ахборот воситаларининг таҳрирлари, матбуот бошқармалари, вилоят, шаҳар, туман босмахоналаридаги ахборотнинг ўрналиши пировардда матбуот нашрларининг таъсирчанлигини ошириш, жанговарлигини таъминлаш, мазкур қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланишларида катта туртки ва сабоқ бўлмоқда.

Ҳусусан, бу галги йиғилишда ҳам Навоий вилояти мисолида ана шу долзарб масалага боғлиқ кенг кўламли вазифалар таҳлил қилиб олинди. Айни кунларда Навоий вилоятида 28та даврий нашр, 17та вилоят, 9та туман, 1та тармоқ газеталари чоп этилмоқда. Шунингдек, вилоят телерадиокомпанияси, Навоий шаҳрида ҳўжалик ҳисобидидаги тижорат телеканали, Учқудук, Зарафшон, Хатирчи ва Нуротада телеканаллар фаолият кўрсатмоқда. Кўриниб турибдики, вилоятдаги оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари катта.

Йиғилишда ахборот берган Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров жойларда қонунлар ижросини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ва босмахоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, нашрларни журналист кадрлар билан таъминлаш масалаларига эътибор ортиб бораётганлигини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам шу мақсадда вилоят ҳокимлиги томонидан «Вилоят оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада яхшилаш, вилоят босмахоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилинганлиги эътиборга лойиқ.

Лекин Олий Мажлис

ишчи гуруҳи аъзолари ўтказган таҳлиллар вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари ҳам замона талаблари даражасида иш олиб бора олмаётганлигини кўрсатди. Аввало газеталарнинг матбаа сифатининг пастлиги, саҳифаларнинг кўримсизлиги туфайли улар ўқувчиларни ўзига жалб эта олмапти. Бунга «Навоий овози», «Хатирчи ҳаёти», «Навбахор тоғи», «Бўстон» газеталари мисол бўла олади. Айрим босмахоналарда ҳамон кўлда ҳарф териш сақланиб қолмоқда. Бир қатор газеталар ададлари ошган бир пайтда 160 минг аҳоли яшайдиган Хатирчи туманида газетанинг 700 нусхада, Навоий туманида 680 нусхада чоп этилаётганлиги вилоятда ҳамон нашриётнинг мавжуд эмаслиги оқибатида китоблар чоп этилмаётганлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Қўмита йиғилишида мазкур муаммоларни ҳал этиш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилаётган ишларни таъкидлаш билан биргаликда кўшимча чора-тадбирлар белгилаш зарурлиги айтилди.

Матбуот, газета ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманининг юзи. Унинг аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, республикамизда қабул қилинган янги қонунлар мазмун моҳиятини аҳолига етказиш, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни муштарийларга етказишдаги, маънавий, маърифий, тарбиявий аҳамияти тўғрисида таъкидлаб ўтиришнинг ўзи ортқича. Шу нуктага назардан қўмита мажлисида кўрилган масала, таҳлил ва хулосалар аслида барчамизга тегишлидир. Бу биздан ишимизни қайта кўриб чиқишни, республикамизда қабул қилинган қонунлар берган ҳуқуқ ва имкониятлардан кенгроқ фойдалана билишимизни тақозо этади. Ана шундагина оммавий ахборот воситалари ҳақиқий тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарила олади.

Ўз мухбиримиз.

«Пахта — 2000»

ГУРУХ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Вилоят ҳокимлиги мавсумда пахтакорлар ва теримчиларни моддий рағбатлантириш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга йиғим-теримда иштирок этаётган одамларни маънавий қўллаб-қувватлаб туриш, уларга маданий хизмат кўрсатиш, мавсумнинг кўнглидагидек ўтиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда вилоятда бу ишларни мувофиқлаштирувчи махсус гуруҳ ташкил этилди. 19 сентябрь кунини гуруҳнинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда «Ўзбекракс» уюшмаси вилоят пахтакорларига ўз концертлари билан хизмат кўрсатиш ташаббуси билан чиққани, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими ва бошқа қатор муассасаларнинг терим қатнашчиларига ўз хизматларини кўрсатиш ниятида эканликлари таъкидланди.

Тарғибот гуруҳи йиғилишида мавсумда хизмат кўрсатувчи жамоаларнинг пахтакорлар ҳузурида бўлиши тартиби белгиланди. Шунингдек, жойларда маданий, маърифий ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари янада жонлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

ТЕРИМ ҚИЗҒИН БОШЛАНИБ КЕТДИ

НИҲОЯТ, вилоятимиз пахтакорларининг йил бўйи қилган машаққатли меҳнатлари самараси рўйбга чиқадиган кунлар келди. Барча туман ва ҳўжаликларида қўл терими-га оммавий суръатда киришилди.

Мавсумга олдидан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги боис кунлик ўсиш суръати ҳозирданок икки фоиздан ошди: Кунига хирмонга 5500—6000 тоннадан зиёд сифатли хом ашё териб тўқилмоқда. Бугунгача вилоят бўйича тайёрланган пахта 20 минг тоннадан ошиб кетди. Бу йиллик режадагига нисбатан 8,5 фоиздан кўпроқдир.

Бу йилги шароитда эртаки ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор берган, терим мавсумига ҳам жиддий ҳозирлик кўриб, отни барвақтроқ қамчиланган Янгийўл, Бўка ва Чиноз туманлари пахтакорлари шу кунгача йиллик режанинг 14-16 фоизи миқдоридан хом ашё тайёрлаб қўйди. Ушбу туманлар ҳар кунини 3-4 фоиз миқдоридан пахта топширишга эришиб, кунлик терим суръати бўйича ҳам қарвонбошилиқ қилмоқда. Уртачирчик, Оққўрғон, Покент туманларида ҳам қўл теримига сафарбарлик кун сайин оммавий тус олмақда. Натижада бу туманларда кунлик ўсишда 2-3 фоизлик маррага чиқиб олинди.

25 сентябрдан бошлаб терим агрегатларини пахтазорларга олиб чиқиш мўлжалланган. Мавсумда 29,4 минг гектар майдондаги ҳосил ёки давлатга топшириладиган 275 минг тонна пахтанинг 71 минг тоннаси машиналарда териб олинади.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти бу йилги терим мавсумининг боришини кенг ва тезкорлик билан ёритиш мақсадида одатдагидек, махсус гуруҳ тузди. Унинг аъзолари жойлардан муҳим ахборот ва шойлиқни хўшхабарларни чоп этиш учун тайёрландилар.

Тезкор гуруҳ телефонлари: 133-70-10, 133-40-48.

ЭТАК-ЭТАК «ОҚ ОЛТИН»

БУТУН вилоятимизда бўлганидек, Бўка тумани пахтазорларида ҳам қўл терими оммавий тус олди. Бўкаликлар бу йил давлатга 39 минг 840 тонна пахта сотишнинг режалаштиришган. Унинг асосий қисми ҳўжаликлари аъзоларининг ўз кўчлари билан йиғиб-териб олинади. Шу боис барча пудратчи оилалар ёруғ кўнлардан самарали фойдаланиш мақсадида терим суръатини кўнлардан-кўнга оширмоқдалар.

Тумандаги Жамбул номли ширкат ҳўжалигида терим айниқса, жадал. Ҳўжалик пудратчилари 644 гектар майдондаги ҳосил қўғини чамалаб кўриб, давлатга 2 минг тоннага етказиб сифатли хом ашё сотишни мўлжаллашпти. Уларнинг мақсади — биринчи теримдаёқ ҳосилдорликнинг 26 центнерга, режани эса 85 фоизга етказиш.

Ҳўжаликдаги 500дан зиёд оиланинг меҳнатга яроқли аъзолари теримда фаол иштирок этмоқда. Бошқарув раҳбарлари ҳар бир пудратчининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида улар топшираётган ҳосилнинг алоҳида ҳисоб-китоб қилиб борилишини таъминламоқдалар. Шунингдек, ҳар бир қўл терими иштирокчисининг беш кунликлар якунида иш ҳақларини нақд олиб туришлари учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Бу эса кунлик терим суръатининг юқори бўлишига хизмат қилмоқда. Чунинчи, Алия Папаева (суратда олдидан) сингари чевар теримчилар ҳар кунини хирмонга 150 килограмдан ошдириб пахта териб тўқмоқдалар.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.



ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

ЯНГИ мавсумнинг ilk хўшхабарлари таҳририятимизга кела бошлади. Бу йилги пахта йиғим-теримида қарвонбошиллар сафида бораётган Чиноз туманидан қувончи хабар олди. Турсунбой Эрназаров номлидаги жамоа ҳўжалигининг Исроил Қулиев раҳбарлик қилаётган илгори бригадаси аъзолари давлатга пахта топшириш шартнома режаларини вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар.

30 гектар майдонга барвақт ва қисқа муддатда чигит қадаган жамоа ёз бўйи ҳар бир арготехник тадбирни ҳам маромда амалга ошириб мўл ҳосил етиштиришга эришди. Иккинчидан, ҳосил ҳар йилдагига нисбатан анча барвақт пишиб етилди. Натижада биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 27 центнердан хирмон кўтарилиб, қабул пунктларига 80 тоннадан зиёд юқори навли хом ашё етказиб берилди.

Шартнома бажарилган бўлса-да, ҳали далаларда ҳосил мўл. Бригада ахли теримни сусайтирмай давом эттирмоқда. Уларнинг мақсади ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказиб, юқори иқтисодий самара кўрсатиш.

Орзикул МАЪМУРОВ.

қайта ишлашга киришдилар. Ишлаб чиқарилган янги тола ҳозирданок чет элдаги буюртмачиларга юборилмоқда. Дастлабки тонна «оқ олтин» Англия, Олмония ва Франция давлатларига жўнатилди. Корхона жамоаси бу йил ками билан 10 минг тонна атрофида тола тайёрлашни мўлжаллашптилар.

Ўз мухбиримиз.

БИР ҲАФТА ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкентда тренинг маркази ўқитувчиларининг семинари очилди. Марказ тез орада Давлатлараро сув ҳўжалиги мувофиқлаштириш комиссияси ҳузурида ўз фаолиятини бошлади.

Сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этишда Оролни қўқариш Халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда ўқув марказлари иштирок этади. Семинар қилинишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республи-

каси Бош вазирининг ўринбосари, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Т. Холтоев сув ҳўжалиги мутахассисларининг малакавий тайёргарлигини ошириш, самарали ўқув тизимини ташкил этиш шўбасиз, кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишига, сув ҳўжалиги муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беришини таъкидлади. Семинар бир ҳафта давом этади.

(ЎЗА).

ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ ХОРИЖГА

Олимкент пахта тозалаш заводи жамоаси бу йилги «оқ олтин» ҳосилини қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрди.

Корхонанинг барча цехларида қайта қуриш ишлари амалга оширилди, эскирган асбоб-усуналар янгилири билан алмаштирилди, иш жараёнини та-

комиллаштиришга қаратилган бошқа қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада пахта тозаловчилар янги ҳосилни қабул қилиш билан дарҳол уни

ОРОЛ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Ўтган йилнинг июнь ойида Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг бешта миллий гидрометеорология хизматлари вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Бутунжаҳон метеорология ташкилотига Орол денгизи ҳавзаси бўйича гидрологик даврийликни кузатиш тизими (ОГДТ)ни ташкил этиш ҳақидаги муносабатимиз имзоланган эди.

Сўнгра «Орол-ОГДТ» лойиҳаси бўйича кенгаш бўлиб ўтди, ҳозир эса Ўзбекистон Гидрометеорология Бош бошқармасида ушбу муаммо бўйича иккинчи мунтақавий кенгаш ўз иштини бошлади.

Беш кун давом этадиган мазкур учрашувда Бутунжаҳон метеорология ташкилоти, БМТ Ривожланиш дастури, Жаҳон банки, бўлажак донорлар агентликлари, Буюк Британия, Германия, АКШ, Япония элчихоналари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Муҳокама этилаётган лойиҳадан қўзғаланган мақсад — сув заҳираларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишнинг изчил ва

(ЎЗА).

ЖАҲОННИНГ ЯНГИ БИРИНЧИ РАКЕТКАЧИСИ ТОШКЕНТДА ТУФИЛДИ

Назира БАХРОМОВА,
Тошкент вилояти
Саломатлик маркази
бош врач, тиббиёт
фанлари номзоди

2000 йил — Соғлом авлод йили

ФАРЗАНДИНГИЗ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИ?

Ҳар бир ота-она фарзандини тарбиялаб вояга етказар экан, унинг камолини, ҳаётда ўз муносиб ўрнига эга бўлганлигини кўришни истади. Шу билан бирга ўғли яхши хонадон соҳибига, кизин ширин бир оиланинг бекаси бўлишини, уларнинг бахтли умр кечиришини хоҳлайди. Ана шу орзу-умидлар йўлида тиним билмай меҳнат қилади, курашади.

Дарҳақиқат, оила — инсоният тарихининг барча давраларида турли тузум ва шароитда асосий мезон бўлиб келган. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, аънавий кадрларини ривожлантирувчи, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказувчи, шу тариха ҳаёт таракатини таъминловчи муқаддас макондир. Ҳар бир жамиятнинг ривожини, унинг гуллаб-яшнашини оила фаровонлиги ва мустақамлигига боғлиқдир.

Оила — кишиларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларидан иборат ижтимоий бирлиқдир. Табиий муносабатлар дейилганда — ахлоқий, жинсий муносабатлар, фарзанд кўриш назарда тутилади. Уй-рўзгор, ҳовли-жойни бошқариш мулкий муносабатлар, эр-хотин ўртасида никоҳни қайд этиш, оила аъзолари ўртасидаги шахсий мулк ва ҳуқуқий муносабатларни ташкил этади. Шарқона оилаларда асосий эътиборга молик бўлган эр-хотин, ота-она, фарзандлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ахлоқ-одоб, юксак инсоний туйғулар эса оиланинг маънавий муносабатларини ташкил этади.

Оила қуришининг энг биринчи омили ёшларнинг мустақил ҳаётга қай даражада тайёр-тайёр эмасликлари, улар оила, никоҳ тушунчалари масъулиятини қай даражада англаб етишларидан иборатдир. Ваҳоланки, кўп ҳолларда йигит ва қизнинг оила қуришдаги ҳоҳиш-истаги, унинг жисмонан ва маънан етуклиги иккинчи даражали бўлиб қолгани ҳолда, ота-оналарнинг истак-хоҳишларига қўра Оила деб аталмиш муқаддас бинонинг илк пойдевори қўйиб юборилмаверди. Оқибатда пойдевори мустаҳкам бўлмаган бино арзиманган сабаб туфайли қисқа муддатда ярқочсиз ҳолга келиши, икки ёшнинг ҳаёти барбод бўлиб, қанча диллар вай-

рон бўлиши, энг ачинарлиси, беғуноҳ тирик етим болаларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Афсуски, ота-оналарнинг бу каби тузатиб бўлмас хатолари туфайли барбод бўлаётган оилалар вилоти-мизда кўпайиб бораётган. Жумладан, жорий йилнинг ўтган саккизи ойида вилотиимиз шаҳар ва туманларида 4973та никоҳ қайд этилган бўлса, шундан 1507 оила барбод бўлган. Ажралишган оилаларнинг ҳар бирида камидан билан 2-3 нафар фарзандлар борлигини айтсак қанча фарзанд тирик етим, болалик кувончидан бебаҳра, кўнгли ярим бўлиб қолганлигини ҳисоблаб олиш қийин эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, оила қуриш масаласига ота-оналар билан бир қаторда ёшлар ҳам ниятда масъулият билан ёндашишлари керак. Чунки оила қуришдаги яна бир асосий омил никоҳдан ўтаётган ёшларнинг ўзаро ихтиёрий розилигидир. Айтиш мумкинки, вилотиимиз шаҳар ва туманларида ўтказилган социологик тадқиқотлар кўп ҳолларда ёшлар — унаштириш, яъни совчилар орқали оила қуришади. Ота-оналар урф-одатларга амал қилган ҳолда, яъни қандайдир томонни билан, суриштириб қандайдир бўлгани яхши, албатта. Лекин шу уринда ёшлар ҳам бир-бирларини ақидан билан, феъл-атворларини ўрганиб, синаб, сўнг розиликларини олишга ҳам алоҳида эътибор бериш шарт, деб ўйлаймиз.

Вилотиимиз шаҳар ва туманларида турли жинс, ёш ва касбдаги кишилар ўртасида «Ёшлар (қизлар) неча ёшдан турмуш қуришга тайёр бўладилар?» деган мазмунда сўровномалар тарқатилганда, уларнинг аксарият кўпчилиги қисми йигитлар учун 23-24, қизлар учун 19-21 ёш деган жавобни берганлар. Лекин айрим жавобларда қизлар учун никоҳ ёшнинг 15-16 ёш деб ҳисобловчилар ҳам бор.

Демак, ҳали ота-оналар орасида ёшларни оилага тайёрлаш борасида янада кўпроқ тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришимиз зарур экан.

Тиббиёт ходимларининг аниқ хулосаларига қўра қизлар учун никоҳ эрта, 16-17 ёшдан аввал, шу билан бирга 29-30 ёшдан кейин турмушга чиқиш турли салбий оқибатларга олиб келади. Яъни энг оддий ҳақиқат — 16-17 ёшдаги қизлар оиладаги турли юмуш, уй-рўзгор ташвишларини ўз зиммасига олишга жисмонан тайёр бўлмайди. Аксарият урф-одатларимиз, юмушларимиз, эрнинг инжиқликлари — буларнинг бари ёш, нозик-ниҳол қизганини гангитиб, толиқтириб қўяди. Энг асосийси эса ҳали унинг организми оила бўлишга тайёр эмаслигидир. Яъни ёш қизанинг

шу орада нозик тана ўзини тиклаб олишга улгурмай аёл яна ҳомиладор бўлиб, иккинчи фарзанд дунёга келади. «Уғилчалик бўлди», деб суюнган отанинг қувончи узоққа бормайди. Бу фарзанд ҳам ногирон бўлиб туғилган эди. Энди қув бўла «менга соғлом фарзанд туғиб берадиган соғлом аёл керак» дея тўғилиш тасқари қийин олади.

Биз имкон даражасида бу оилани сақлаб, аёлининг саломатлигини тиклашга ёрдам қилишга ҳаракат қилдик. Лекин фойдаси бўлмади. Шу ўринда фақат икки ёш ота-онани қоралаш фикридан ҳам йироқми, албатта. Улар ўз соғлиқларини, ота-оналар фарзандлари келажагини, бахтини қалта ўйлаган бўлсалар, ҳўш маҳалла қўмитаси, қўни-қўшни, кекса маслаҳатгўй отахон ва онахонлар

нега уларни бу йўлдан қайтармадилар, «Ҳали қизинг бола-ку, унинг соғлиги сенга керак эмасми? Қизинг тўла балогатга етсин, ҳаётда ҳам ўз йўлини топсин, ҳар қанча орзу-хавас қилиш қўмайди» дея қизнинг ота-онасини нега бу йўлдан тўхтатмадилар. Бирининг эшигини очган қайнона, қайнона-чи?

Бирининг гулдир фарзандини олиб, эндиликда бизга касалманд келин керак эмас, дея унинг ҳаётини барбод этишга уялмайдиларми?

Афсуски, бу каби саволларнинг энди фойдаси йўқ. Шу боис кейинги пайшаймон ўзингга душман бўлмаслиги учун оила қуришдек муқаддас вазифага киришишдан аввал ота-боболаримиз айтганларидек, «Етти ўлчаб бир кес» керак.

Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, вилотида яшовчи оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилага таалуқли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, сермазмон миллий анъаналарини бойитиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида вилот хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази аниқ режалар асосида бир қатор ишларни бажармоқда. Бугунги кунда вилотнинг барча шаҳар ва туманларидаги «Бахт уйлари» қошида марказнинг бўлимлари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда.

Соғлом оила — соғлом жамият негизиди қарор топади. Шунга қўра вилотиимизнинг барча шаҳар ва туманларида навбатма-навбат «Соғлом оила — соғлом авлод асоси» мавзусида илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Бундай семинарларда вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси, республика ва вилот «Соғлом авлод учун» жамғармаси раҳбарлари иштирок этидилар, Улар Ўзбекистонимизда яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги қандайдир қўриқчилик, яъни ўзаро никоҳлар туфайли авлоднинг насл касаллиги билан шикастланиши кўпайётганлиги, бундай оилаларда туғилётган гўдақлар носоғлом, ногирон бўлаётганликлари аниқ мисоллар билан далиллаб бердилар. Бундай фожеаларга йўл қўймаслик учун ота-оналар зиммаларидаги масъулиятларини унутмасликлар лозим.

Республикаимизнинг таниқли ҳуқуқшунос, олимпиа ва шоира аёллари билан биргаликда ўтказиб келинётган урғушув, савол-жавоб кечалари ҳам нафақат ота-оналар учун, балки, мустақил ҳаёт оstonасига эндигина қадам қўётган ёшлар учун ҳам фойдаланилиб, улар ўзларини қизиқтирган кўпball саволларга жавоблар олмақларда. Бундай урғушувлар вилотиимизнинг Янгийўл туманидаги «Нибоз» жамоа ҳўжалигида, Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номи жамоа ҳўжалигида, Янгийўл шаҳридаги педагогика коллежида, Қўйчириқ тумани маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат оила — турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади. У ўзининг кўп асрлик мустаҳкам моддий ва маънавий таянчларига эга. Оилада одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Шунинг учун оила қуришдаги миллий қадриятларга амал қилиш, ёшларни яхши, ҳар томонлама соғлом оила қуриб, ҳаётда ўз муносиб ўринларини топишларига ёрдамлашув учун ота-оналар ҳам, жамоатчилик ҳам масъулдир. Буни ҳар биримиз ҳар доим ёдда тутмоғимиз лозим.

Сайёра ХўЖАЕВА,
Тошкент вилоятининг ҳокимининг ўринбосари,
хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Зухра КАМОЛОВА,
«Оила» илмий-амалий маркази директори,
доцент.



ҲАҚИҚАТ

Тахририятга келган миннатдорчилик мавзусидаги мактуб остида чекилган имзоларнинг манзилларини қизиқиб кўздан кечирасиз. Улар орасида вилотидаги Пскент, Ўртачирчиқ, Бекобод туманларидан ташқари пойтахтимиз, Навоий, Жиззах, Хоразм, Фарғона вилотларидан келган бўлажак оналарнинг манзиллари ўрин олган. Мактуб эса, Қўйчириқ туманидаги «Умид гулшани» сийхатгоҳи шифокорларнинг беҳимнат хизматидан руҳланиб ёзилган.

Мазкур сийхатгоҳнинг ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу йўлнинг февраль ойидан ўз фаолиятини бошлаган ушбу муассаса икки бўлимдан иборат бўлиб, 150 мижозни қабул қилишга мўлжалланган. Унда гинекология ва андрология шифоналари мавжуд. «Соғлом авлод йили» муносабати билан, маълум хасталиклар туфайли фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлиб турган оналарга ёрдам қилини қўзиш мақсадида, уларнинг тўлақонли ота-оналар сафидан ўрин олишига имкон яратиш учун кўпгина замонавий усуллар қўлланилаётган мазкур сийхатгоҳда аёллар ва эркаклар сийдик тоқлар, парафин, балчик, маъданли сув, уқлаш каби муложа турларидан кенг фойдаланилмоқда. Махсус фитобар ишлаб

турипти. Янги ташҳис қўйиш лабораторияси эса энг замонавий тиббий жиҳозлар билан уюқланган.

Шоира Абдуганиева, Кимёхон Муродова, Шокиржон Ашуров, Марина Цаплина каби шифокорлар ҳамда

Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.



ОНА «БОЛАМ» ДЕБ ЙИҒЛАМАСИН

Ривоят қилишларича, бир туяқашнинг туяси касалланиб, эгаси уни сўйдирмоқдан ўзга иложини топа олмади. Туя сўйилган, кўрсалар унинг ўпкасида ҳар бири тангадек учта тешик бор экан. Қассоб ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Биродар, туянгиз кўп касалланганми?
— Йўқ, — дебди эгаси.
— Мана булар нима экан-а? — қассоб туя ўпкасидаги тешикларга ишора қилибди.

Туянинг эгаси бироз ўйлангиз туриб, дебди:

— Туям ўз маротаба болалади. Аммо болалар нобуд бўлаверди. Ҳар бир боласи нобуд бўлганда она туя шўрлик бир неча

кун саҳрода ўкраб юрар эди. Унинг ўпкасидаги тешиклар — фарзанд доғининг излари бўлса ажабмас...

Ҳайвонки фарзанд доғидан шунчалар эзилиб юрса, инсон ҳикида нима деб изоҳ битиш мумкин?

Яқиндагина мамлакатимизнинг Сурхондарё вилоти Сариосиё ва Ҳазрат тўғри туманларининг баланд тоғ даражасида жойлашиб олишга уринган халқаро террорчи-

лар гуруҳлари билан бўлган қонли тўқнашувда юртимизнинг ўн икки нафар алпоқмат мард ўғлонлари қаҳармонларча ҳалок бўлди. Уларнинг қай бири чимилдиқ оstonасини ҳатлаган, қай бириларига эса бу ҳам насиб этмади. Энди ўзингиз бир кўз олдингизга келтириб кўринг, туядек ҳайвон ўз боласидан айрилиб саҳрода жар солиб ўқирган бўлса, бу эрта сўнган юлдузларнинг онаси қай ҳолатга тушди экан? Ҳеч қачон дунёда она «болам» деб нола чекмасин, иншооллох!

Она йиғласа, унга қўши-

либ Ватан йиғлайди, она замин, мовий осмон мотам тутайди, юлдузлар учиб, куёш ҳам кўз ёши тўқади.

Эсимда ҳамюртим, иккинчи жаҳон уруши қаҳармони Саидусмон Қосимхўжаев вафот этган кунни йиғлаётган одамларга қўшилиб осмон ҳам йиғлаб, унинг дафн маросимидан шаррос ёмғир қўйганди. Энди қаранг, она юрт учун жонини фидо қилган беш ўғлоннинг дафн маросимидан сўнг мовий осмон бағрида қора булутлар пайдо бўлиб, мотам либосини кийди. Кимларгадир билдириб, кимларгадир билдирмай

она табиат ҳам кўз ёши тўқиб олди.

Яқин-яқинларгача оналаримизни иккинчи жаҳон ва «Афғон» уруши дея овутиб келгандик. Аммо бизнинг истиқлолимизни, фаровон ҳаётимизни қўрқолмайдиган, ёвуз ниятли кимсалар бизга Тошкентдаги февраль ва кўни кечаги Сурхондарё воқеаси билан яна оғоқликча қорлади.

Мудраган ва гафлат уйкусида ётган айрим юртдошларимизнинг ҳам кўзини очди. Барча ёшларнинг оғоҳ ва ҳушёр бўлишга давват этди. Барибир, нима бўлганда ҳам ёвуз фикрли кимсалар ҳеч қачон ўз ниятларига ета олмайдилар. Бунга йўл ҳам қўймаймиз.

Латифжон МАНСУРОВ.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар одамлар воқеалар

БРИТАНИЯДА БЕНЗИН ТАНҚИС

Буюк Британияда, Фарбий Европа мамлакатларининг кўпчилигида кечаётгани каби катта тартибсизликлар давом этмоқда. Ҳайдовчилар, бошқа касб эгалари ҳукуматдан ёндоғига солинган солиқ миқдорини қайтаришнинг талаб қилипти. Катта-катта юк машиналари муҳим иншоотларга олиб боруни йўллари тўсиб қўйган, шаҳарларда ёндоғига танқислиги муаммоси юзага келмоқда. Буюк Британия ҳарбийларининг ёндоғига ташувчи автомобиллари ёрдамида фақат ўта керакли жойларга бензин етказиб берилаётди. Хабарларга қараганда, қатор мамлакатлар ҳукуматлари норозилик намойишлари иштирокчиларининг талабларини қондиришдан бош торятпти. Ҳозирча фақат Франциядагина ёндоғига солиқ қайтаришнинг талаб қилинган.

КОНТРАБАНДА АВЖ ОЛМОҚДА

Зимбабве миллий хавфсизлик вазири Николай Гоше Жанубий Африка давлатларига муҳожира қилиб, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган муаммоларни биргаликда ҳал қилишга ҳақиқатда. Унинг айтишича, минтақа давлатларида борган сари қуролли тўқнашувлар ҳамда гўёхандлик моддалари контрабандаси авж олмоқда ва бу миллий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳам қийинлаштираётди. Мавжуд муаммоларни бир давлат кучи билан бартараф қилишнинг эса ҳеч ҳам иложи йўқ.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ҲОЗИРИК

Югославияда 24 сентябрь кун президент сайлови ўтказилди. Унга амалдаги президент С. Милошевичдан ташқари, муҳолиф партиялардан Воислав Коштуничианинг ҳам номзоди қўйилган. Муҳолифлар С. Милошевични фақат бирлашиб, ҳамма овозларни бир ерга тўплабгина енгиш мумкин, деган хулосага келиб, ягона номзод кўрсатган эди. Лекин

маълумотларга қараганда, Югославиянинг кўпгина ҳудудлари, хусусан, Косово аҳолиси ҳам ҳали-ҳануз С. Милошевични ўзига муносиб ягона давлат раҳбари, деб ҳисоблайди. В. Коштунича эса айни кунларда Косовода сайловли компаниясини ўтказмоқда. Унинг фикрича, Косово аҳоли муҳолиф номзодини ёқлайди. Лекин С. Милошевич бу ўлкадаги сайлов натижаларини сохталаштириши мумкин.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Исроил билан Фаластин ўртасида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар яна давом этаётганга ўхшайди. Фаластин ахборот вазири Ёсир Абдураббий мухториятнинг бир гуруҳ вакиллари АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг тақлифига биноан Нью-Йоркка жўна кетганини маълум қилди. Исроил тақиш ишлар вазири вазифини бажарувчи Шломо Бенами ҳам бир-икки кун илгари Нью-Йоркка келган эди. Хабарларга қараганда, АҚШ вакиллари ҳар икки томон делегациялари билан алоҳида учрашади.

Маълумки, БМТнинг «Мингйиллик саммити» чоғида АҚШ президенти Билл Клинтон Исроил Бош вазири Эхуд Барак ва Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатни муроса қақаришга уринган, лекин бунинг уд-

ЖИНОЯТЛАР СЕНИ ОШАН

Россия ички ишлар вазириги маълумотида қараганда, милиция ходимлари сўнгги саккиз ой ичида мамлакатда 175 минг киши жиноий ҳаракат содир этганини аниқлаган. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 4,1 фоиз кўп. Айниқса, Чеченистон, Кабардино-Балқария, Астрахань ва Ингушетияда жиноий ҳаракатлар сони анча ошган.

БЕКАРОРЛИК САБАБЛАРИДАН БИРИ

Югославия ахборот вазири Горан Матич БМТнинг Косоводаги миссиясини Хавфсизлик кенгашининг 1244 резолюциясини тўлалигича бажармаётганлигида ва қончиларни юртига қайтариш бора-бора давом этишига сабаб бўлмоқда, деди у журналистлар билан учрашувда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«ДУНЁГА КҮРК БҮЛДИ ЎЗБЕКЛАР...»

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бirlашмаси ташаббуси билан шаҳар ва туманларимизда «Соғлом авлод йили»га бағишланган «Ватаним севмоқ иймондандир» деб номланган хайрия концерти ўтказилмоқда. Бу тадбирлардан тушган маблағларнинг ҳаммаси вилоятнинг ижтимоий соҳалари раванкига сарфланади.

Таниқли кўшиқчилар Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ганиев, Муҳаббат Абдурахмоновлар ҳозирга Оҳангарон, Ўскент, Янгийул, Чирчик, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Тўйтепа ва бошқа шаҳарларнинг йирик ўйингоҳларида ўз санъатларини намойиш этишди. Бундан концертларда меҳмон сифатида катнашган қизикчилар Болтабой Тошматов, Обид Асомовлар шодиёналарга ўзгача шукҳ бахш этдилар. Белгиланган режага мувофиқ санъаткорлар вилоятнинг яна 12 та туман марказларига крнцерт беришлари даркор.

— Мен шундай хайрли ишга бош кўшганимдан ниҳоятда хурсандман, — дейди

иқтидорли хонанда Тошпўлат Маткаримов. — Айниқса, шанавадаларнинг бизни жуда хушнуд қилиб олишгани, қизгин ва самимий олқишлаб, қўллаб-қувватлашгани шарофатидан толиқиш нимагини билмаётимиз. Рост, стадионларнинг шунчалик гавжум бўлишини, одамларнинг бизга шунчалик хайрихоҳ бўлишини кутмаган эдик.

Шундай бағри кенг, самимий ва жонқур санъаткорлари бўлган халққа ҳавас қилса арзийди, албатта. Вилоятнинг турфа ўйингоҳларида янграётган қўшиқлар байни юртдошларимизнинг бугунги кайфиятини изҳор этаётгандай.

... Ёрда пайдо бўлгандан буйн, Ўзганини этолди аён.

Таърифта етмас сўз — баён, Дунёга кўрк бўлди ўзбеклар...

Илова тариқасида шунга айтишни истардикки, сентябрь ойининг сўнгги кунларида «Туркистон» саройида номлари тилга олинган санъаткорлар иштирокида яқини хайрия концерти бўлиб ўтди. Бу кўпик кечасига Сиз ҳам албатта келинг.

Бехзод БАРОТЗОДА.



ОЛМАЛИҚДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Вилоятимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлаштириш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Жойларда ташкил этилаётган янги спорт клублари, қурилаётган ўйингоҳлар ва теннис кортлари бунга яққол мисолдир. Энг муҳими бу спорт мажмуаларида ишчи-хизматчилар саломатликларини тиклаб, ёшлар спортнинг бир қатор турлари билан шуғулланаётганлигидир.

Шу йилнинг 16 сентябрий Олмалиқ шаҳри аҳолиси учун ҳам алоҳида кун бўлди. Шаҳарда янги футбол майдони ва теннис корти тантанали суратда очилди. Бу ўйингоҳларда илк мусобақалар ўтказилди.

Мазкур спорт мажмуининг бунёд этилишида шаҳар ички ишлар бўлими алоҳида жонбозлик кўрсатди. Бундан бир йил муқаддам ички ишлар бўлими ходимлари шаҳарда бу соғломлаштириш мажмуини қуриш ташаббуси билан чиққанларида, кўпчилик қисқа муддатда бундай катта ҳажмдаги ишларнинг бажарилишига шубҳа билан қараган эди. Ички ишлар бўлими раҳбарияти,

шаҳар ДАН бўлими ва бошқа ходимлар ишга астойдил киришдилар. Бу хайрли ишга шаҳардаги бир қатор корхоналар, ташкилот, қурилиш муассасалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шунга таъкидлаш керакки, бунёд этилган янги футбол майдони ва теннис корти жохон андозаларига тўла мос келади. Спорт мажмуидидаги қийиниш, ювениш хоналари ва бошқа қўшимча бинолар ҳам барча қулайликларга эга. Маҳмуада амалга оширилган инженерлик-коммуникация ишлари ҳам юксак даражада бажарилди. Чим ётқизилган қўм-қўк футбол майдони ва теннис кортида истаган вақтда машғулотлар ўтказиш мумкин.

— Биз ушбу ўйингоҳни қуриш ва жиҳозлаш жараёнида фақат бир мақсадни олдимизга қўйдик, — дейди шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи А. Ақромов. — Аввало, шаҳримизда спортни янада ривожлантириш, уни оммавийлаштириш, иккинчидан, ёшлари-

мизни жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларига эришиш, уларни спортга жалб этиш, учинчидан бунинг тарбиявий аҳамияти, вояга етмаганлар орасида жинотчиликнинг олдини олишдаги ролини ҳам ҳисобга олдик. Шу тариқа дастлаб футбол майдони, сўнгра теннис кортида қурилиш ишларини олиб бордик. Ўйлаيمانки, биз бугун асосий мақсадимизга эришдик. Эндиликда бу спорт мажмуи олмаликликларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланади ва бу ўйингоҳларда энг қизиқарли футбол, теннис ва бошқа спорт мусобақалари ўтказилади. Маҳмуанинг эшиғи барча спорт ишқибозлари учун ҳамisha очик.

Ҳа, вилотимиздаги яна бир ҳудуд ўзининг Оврупо андозасида қурилган спорт мажмуига эга бўлди. Бундай хайрли ишлар бошқа шаҳар ва туманларда ҳам оммавийлаштиришга, янги-янги ўйингоҳлар бунёд этилишига катта туртки бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўз мухбиримиз.



СУРАТЛАРДА: спорт мажмуининг тантанали очилиш пайти (юқорида); теннис корти ва илк мусобақалар ўтказилган футбол майдони.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Наср

УЙҒОНИШ

— Ҳар бир одамнинг минг битта жони бўлади, — деди у. — Битта жони одамнинг ўзида бўлса, қолган мингтаси кетидан эргашиб юради. Одам бир ишни бажарганида, унинг битта жони ўша ерда қолади... Ҳа, нега қуласан?

— Агар ўша одам мингтадан кўп иш бажарса нима бўлади? Қолгани жонсиз бўладими? — сўради Нодира қула-қула.

— Нега энди? Мана, сен — мусаввиссан, лекин мингтадан ортиқ ҳақиқий сурат чиза оламсан деб ўйлайсанми? Чизган суратингга жон кириши учун унга бор меҳрингни, юрагининг қўрғини беришинг керак...

Нодира шу гапни эсларкан, тўсатдан ўзига бақрайиб турган кўзларини кўрди. Тўғрироғи, қўришдан олдинроқ хис қилди. Киприксиз, қорачиксиз, қил-қизил кўзлар унга бақрайиб турарди.

Нодира кўрқанидан бақрайиб юборди. Назарида, овози хатто кўнага ҳам эшитилгандай қаттиқ чиқди-ю, лекин аслида фақатгина лаблари қимирлаганди, ҳолос. У нафаси бўзғига тақилганча остионага қўққалаб ўтириб қолди. Хушини йўқотганча анча ўтирди.

Нихоят ўзига келганида, бувисининг сурати зихига қўнган каттагон арвоққалак киприк қўқмай (кипригининг ўзи-ку йўқ!) тикилиб турганини кўрди. Лекин унинг кўзлари энди қизил эмас, балки нафисан тусда товланарди.

Нодира елкасига тўғладиди, ўриндан турди. Ҳамон титраётган жонсиз обқлари билан аста эшик томон тисарилди.

Телевизор қўриб ўтирган адаси унинг афти-ангорини кўриб кўрқиб кетди. — У, нима бўлди? — сўради у. — Шоним? — Тинчликми? — Ада-а... — Нодира тили гапга келмай, бирпас қалов-ланди турди. — Ада, юринг... юринг меннинг хонамга.

У адасини бошлаб кирганида арвоққалак ҳамон суратининг зихида қотиб турарди. Нодира қўли билан арвоққалакка ишора қилди. — Э-э, шунга дейманми? — деди адаси енгил тортиб. — Худди ёш болага ўхшайсан-а... Кўрқмагин, бу — бувининг арвоғи, у сени кўргани келган. Балки, бувининг руҳи сенга бирор хушбагар келтиргандир, арвоқлар сезгир бўлишди-а... Кўрқмай ухлайвер, қизим...

Адаси қилиб кетганидан кейин ҳам у арвоққалакка тикилганича ўтираверди. Чирокни бўйиб ухлашга эса қўқди. Тўн бўйи чирок ёнди, арвоққалак ҳам худди Но-

(Охири. Боши ўтган сонларда).

(новелла)

дир сингари мижага қўқмай тонг оттирди...

— Салом!

Бу овоздан Нодиранинг хаёллари сочилиб кетди. У бошини кўтариб қараса, хаёл билан бўлиб уйларида ҳам етиб келибди. Дарвоза олдида эса бир йигит турарди: уст-боши, қоп-қора сочларига, қуёқ қошларига қор ўқунлари ўтириб қолганидан у худди эртақлардаги Қорбобого ўхшаб қолгандай. «Ким экан у? — деб ўйлади Нодира. — Меҳмонимки? Нега унда ичкарига кирмапти?»

— Келинг, — деди у салом берган.

— Сизни қутиб турувдим. — Мени?

Нодира ажабланиб, унга диққат билан қаради: эгнида катта қўйлак билан уринганроқ қуранг кўстем, оёғида ёзги туфли, бошланг. Унинг қиёфаси Нодирага жудаям таниш кўринди: «Қаерда кўрган эканман уни?». Лекин қаерда кўрганини ҳеч эслаб қолмади. Бунинг устига қўришнинг ажаблатори: шундай қорбўрида ёзги туфли билан кўстем кийган.

Келинг, уйга кириг, — тақоррлади Нодира ўзини нонқулай ҳис этаётганини билдирмасликка уриниб.

— Йўқ, раҳмат, — йигит жилмайдди. Унинг олпоқ, лекин сал қийишқоқ ўсган қурак тишла-ри алтираб кетди, бугдоиранг ёнқорларда қулдиргич пайдо бўлди. — Менинг бор-йўғи икки оғизгина гапим бор, ҳолос.

Зулмат.

Бу зулмат аро вақт ўтаётгани ҳам билинмайдди. Наҳотки энди ҳеч ёрулиқни кўрмасам? Зарғалдоқларанг ёғдуни...

Ким бу?

Коронкулда бир жуфт кўзлар ёниб турарди.

Кимнинг кўзи бу?

Яна ўша таниш, илиқ зарғалдоқ ранг ёғду мени ўраб ола бошлади. Дарҳол атрофга алангладим: деворларига қандайдир суратлар осилган ўша жойда. Тўғридан бир аёл менга кўзларини қадаб турибди. Ендириб юборувчи кўзлар. Ич-ичингача кириб борувчи синчқов. «Вақтини бой берма», — дейди бу кўзлар.

«Қандай вақт? — сўрайман мен. — Сиз қимсиз? Мен...»

«Сен ўйинингнинг керак, — дейди у гапимни бўлиб. — Сени у чизган. Сен унинг оруз-умидларини, ишончининг тисолисасан. У аслида беқарор Шамолни тасвирламоқчи бўлгандай. Лекин, инсон ҳеч қачон ўз-ўзини, ўз юрагини узоқлашолмайди. Сенинг сиймонгда у ўзи кутган барқамол инсонни кўрди. Сен ўйинингнинг керак, зеро ҳар қандай қўшнинг ҳам чегараси бор».

«Қандай қилиб ўйғонай, токи мен бор-йўғи оидийгина сурат бўлсам? Қандай, ахир?»

«Бақирма. Менга тил қара. Кўзларимга қара... Ҳа, барқалла. Ўриндан тур.

Ажабо, бу қандай мўъжиза-за?!

Хонанинг ўртасида турибман, каллам ганганган, худди арининг уясидай гувилайди.

«Вой Худойим-эй, сен яланғочсан-ку, ахир!.. Тур, манави кийимларни кий. Кейин Нодирани қидириб топасан... Тушундингми?..»

Тушундим. Унинг исми Нодира экан.

Мен кийиниб чиқиб кетаётганимни ҳеч қим кўрмадим. Лекин, худди шу дақиқада ўша аёлнинг яъни бувингизнинг менга жон ва... тан ато қилиб, ўзлари қазо қилганлардан беҳабар эдим. — у бир шум жим қолди. — Бор гап шу.

Нодира унга ишонди. Тўғрироғи, ишонгиси келди. Гарчи, дунёда мўъжиза камдан-кам, шундай фақат эртақларда ўз беришини билса-да, унга сўзсиз ишонди.

Нодира қаршида қорға бурқанганча ер қизиб турган йигитни, унинг бугдоиранг юзларидаги қулдиргичлари-ю жилмайганида ялтираб кетадиган қийишқоқ қурак тишларини ҳам гўё уларни умр бўйи қўриб келаётгандек ниҳоятда қадардон хис қилаётганини сезди.

Мана у. Ўзи кутган одам. Лекин бир оғиз сўз қотишга тил охири, йўқ, тил охири эмас экан. Нодира нилот оғиз жўғлаганида, тили унинг ўлгангани эмас, балки бутунлай бошқа бир сўзини айтишга юборди.

Нега бундай юпун кийиминдигиз, шамоллаб қола-сиз-ку ахир?

— Ийигит бошқоқ қўлади, кўзлариди илиқ нур порлади: — Сизни топдим-ку...

У — Ўша кун кетаётганимда дунёда қиш, совуқ деган нарсалар борлигини билмасдим, демоқчи бўлди-ю, аммо айтмади.

Нодира ҳовлида қор кураётган адасига салом берди-ю, тўғри ўзининг хонасига ўтиб кетди. Қорағи қафасидан қичқайди гурс-гурс улар, бўзғига нимадир тикилиб қолгандай, тили қуруқ-шаган.

У нега кирганини унутгандай бир шум остионада қалов-ланди турди, кейин эсига тушиб чирокни ёқди. Қандайдир бир сезги юрагини хайриктириб юборди.

Нодира кийимларини ечмаёк, тўғри хонанинг тўрида турган мольбертга қийишқоқ, унинг устига ёпиб қўйилган оқ сурни қўтарди. У... йўқ энди. Мольберт олпоқ оқариб турар, бувиси ўйлишдан бир кун олдин чизилган сурат — қуёқ қошлари туташиб кетган, кўзлари қоп-қора, юзида қулдиргичлари ўйнаб турган Шамолнинг портрети — гойиб бўлганди.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.

Бир пиёла чой

Тарихий манбаларга қараганда, инсоният чойни минг-минг йиллардан буйн ичиб келади. Ёзма ёдгорликларда қайд қилинмишча, чой ичимлик сифатида эрамиздан аввалги 2700 йилда маълум бўлган.

Тарихга назар солсак, чой ҳақидаги маълумот Европада биринчи марта 1517 йилда етиб борган. Европалар орасида чой ҳақида ҳаммадан илгари хабар толган венецияликлар бўлган. Инглизлар 1598 йилда, португаллар 1600 йилда чой ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлганлар.

Чой ичиш Голландияда 1610 йилдан, Россияда 1613 йилдан, Францияда 1636 йилдан, Англияда 1650 йилдан, Германияда эса, 1667 йилдан бошлаб расм бўлган экан.

Нима учун кўпчилик чойни яхши қўради? Гап шундаки, чой таркибида кофеин кўп. Кофеин эса, асаб тизимига таъсир қилиб, чарқоқлик ва қархатликни йўқотди, ақлни пешлайди, кишини ҳаракатчанликка ундайди.

Киши, айнакча, чарчаганда бир пиёла қайноқ чойнинг фойдасини жуда яхши ҳис қилади. Кофеин меъда сувининг ажралишини тезлаштириб, овқатнинг яхшироқ ҳазм бўлишига ёрдам қиларкан.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 20-24 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида шу даврнинг дастлабки кунларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 9-14, кундуз кунлари эса 23-28 даража атрофида иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Манзил:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.